Монтаж ишларини бажариш учун кўтаргичларнинг камида 2 та варианты олиниб уларнинг иқтисодий кўрсаткичлари келтирилган сарфлари қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб топилади ва ўзаро таққослаб кўрилади:

$$П = C \times E_n \times K \times T$$

бу ерда:

C-монтаж учун танланган кўтаргичнинг фойдаланиш таннархи, сўм.

E_n - иқтисодий самарадорлик меъёрини белгиловчи коэффициент, қурилишда 0, 12 га тенг.

K- монтаж учун танланган кўтаргичнинг, нархи, сўм.

T- монтаж учун танланган кўтаргичнинг ишлаш даври, йил ҳисобида.

Формуладаги C нинг қиймати қуйидагича ҳисобланади.

$$C = \frac{1,08}{C_e} + C_{\text{йил}} \times \frac{t_{\text{см}}}{t_{\text{йил}}} + C_m \times t_{\text{см}}$$

Бу ерда: C_e – биратўла сарфланадиган харажатлар(монтаж машиналарини олиб келиши, қурилиш майдонида машинанинг ишлаши учун шароит яратиб бериш) сўм.

$C_{\text{йил}}$ – йиллик харажатлар(амортизация учун ушлаб қолинган маблағ), сўм

C_m – монтаж машинасининг машина-смена иши учун кундалик харажатлар, сўм.

$t_{\text{см}}$ – бинонинг каркасини монтаж қилишда монтаж машинасидан фойдаланиш даври(тўрсимон график бўйича режалаштирилган вақт), маш- сменаларда.

$t_{\text{йил}}$ – монтаж машинасининг меъёр бўйича бир йилда қанча смена ишлаши.

1, 08- устама харажатларни ҳисобга олувчи коэффициент

K, C_e , $C_{\text{йил}}$, C_m - иловадаги жадваллардан олинади.

Монтаж ишлари учун танланган монтаж машинасининг ишлаш даври (T) қуйидаги формула билан аниқланади.

$$T = \frac{m}{N \times n \times 235}$$

Бу ерда : m - каркасини монтаж қилиш учун умумий меҳнат сарфи, одам(киши)- кун.

N – монтажчилар бригадасининг сони(кўтаргичлар сонига тенг миқдорда қабул қилинади).

п – бригададаги ишчилар сони

235 – бир йилдаги ўртача иш кунлари сони.

Шуни таъкидлаш лозимки, таққосланётган монтаж кўтаргич турлари ўзининг техник параметрлари (юк кўтариш қобилияти, қулочининг узунлиги ва илгагининг кўтарилиш баландлиги) билан тубдан фарқ қилмаслиги ва монтаж ишларини олиб бориш техник талабларига жавоб бериши керак.

2. 5. ҚУРИЛИШ -МОНТАЖ ИШЛАРИГА МЕХНАТ САРФИ ВА МАШИНАЛАР ВАҚТИ САРФИНИ АНИҚЛАШ

Белгиланган тартибда қурилиш-монтаж ишларининг тури ва жами аниқланиб 1 - жадвал(ёки 4-жадвал)га киритилгач, мавжуд меъёрнома (ЕНиР) лардан фойдаланган ҳолда ҳар бир қурилиш – монтаж ишига зарурий меҳнат сарфи ва машиналар вақти сарфи ҳисобла топилади, ҳамда 1-жадвал(ёки 4-жадвал)даги алоҳида графиклар тўлдирилади. Ҳисоблар “қурилиш ишлаб чиқариш технологияси” фанидан курс лойҳасини бажаришдаги тартибда амалга оширилади.

Сўнгра 1-жадвал(ёки 4-жадвал) бўйича ҳамма ишларга умумий меҳнат сарфи жамлаб топилади ва унинг 15-20% миқдориди ҳисобга олинмай қолган ишлар учун меҳнат сарфи аниқланади.

Қўшимча(маҳсуе) ишларга, яъни ички чилангарлик, электромонтаж, газлаштириш, телефон ва атроф - майдонни ободонлаштириш ишларига меҳнат сарфи асосий ишлар ва ҳисобга олинмай қолган ишлар учун меҳнат сарфлари йиғиндисидан фоиз ҳисобиди 3-жадвалга мувофиқ аниқланади:

Қўшимча қурилиш-монтаж ишларига меҳнат сарфини аниқлаш қайдномаси 3- жадвал

Тғн	Ишларнинг номи	Асосий ишларга бўладиган меҳнат сарфидан ого ҳисобиди	
		Турар жой бинолари учун	Саноат бинолари учун
1.	Ҳисобга кирмаган(бошқа) ишлар	15-20	10-15
2.	Чилангарлик ишлари(сана)	3-8	5-12
3.	Электромонтаж ишлари	2-4	3-6
4	Газ билан таъминлаш	1, 5	-
5.	Ободонлаштириш ва кўкаламзор лаштириш ишлари	4-5	5-6

2. 6. ТЎРСИМОН ГРАФИК ЁКИ КАЛЕНДАР РЕЖА ТУЗИШ

Қурилиш ишлаб чиқаришини режа асосиди олиб боориш учун ва унинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида қурилишнинг тўрсимон графиги ёки календар режаси тузилиб ишлаб чиқаришга тадбиқ этилади. Курс (БМИ) лойиҳасини бажаришда тўрсимон график ёки календар режа тузиш учун қурилиш объектнинг тури ва ҳажмини ҳисобга олган ҳолда раҳбар(кафедра) томонидан берилган тошириқга мувофиқ амалга оширилади.

Курилишнинг календар режаси 4-жадвал

Т.р. №	Ишларнинг номи	Улчов бйралиги	Иш хажми	Умумий меҳнат сарфи Касар	Биргадгазвеноф	Ме'ёрномага илова	Сменалар сони	Сменалаги ишчилап сони	Сменалаги машиналап сони	Иш давомийлиги куни	Ой кунлар							
											МАРТ							
											27	28	29	30	31			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12							

А) тўрсимон график тузиш.

Тўрсимон график куйидагича тузилади:

- Курилиш-монтаж ишларига аниқланган меҳнат сарфи миқдорига кўра бригада (звено) таркиби, сменалар сони қабул қилиниб хар бир ишнинг давомийлиги ҳисоблаб топилади ва 1-жадвал охиригача тўлдирилади.
- Ишларнинг технологик кетма – кетлигини ҳисобга олган ҳолда тўрсимон график қурилади. Уни вақт масштабида қуриш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.
- Тўрсимон график остига ишчилар сонининг ўзгариш графиги қурилади.
- Тўрсимон график бўйича қурилиш давомийлиги меъёрдан ошиб кетса, ёхуд ишчилар сонининг ўзгариш графигида текис ўзгариш қонуниятига кўпол бузилса, тўрсимон график оптимизация қилинади.
- Тўрсимон графикнинг параметрлари ҳисоблаб топилади.

Б) Календар режа тузиш.

Календар режа тузиш куйидаги тартибда амалга оширилади:

- Курилиш-монтаж ишларига аниқланган меҳнат сарфи миқдорига кўра бригада (звено) таркиби, сменалар соникабулқилиниб хар бир ишнинг давомийлиги ҳисоблаб топилади ва 4-жадвал тўлдирилади.
- Ишларнинг технологик кетма- кетлигини ҳисобга олиган ҳолда ишларни ой кунлари бўйича бажариш графиги чизилади.
- Календар режа остига ишчилар сонининг ўзгариш графиги қурилади.

3. ТЎРСИМОН ГРАФИКНИ ҲИСОБЛАШ


3. 1. Тўрсимон график элементлари

"ВОКЕЛИК"- бир, ёки бир неча ишнинг содир этилганлигини ва навбатдаги ишларни шу онда бошлаш мумкинлигини кўрсатувчи белги ёрдамида акс эттирилади:

Воқелик вақт ҳам, меҳнат ресурсларини ҳам талаб қилмайди. У тартиб рақами ёрдамида номланади. Тўрсимон графикда стрелка қирмаган воқелик «бошлангич воқелик», стрелка чиқмагани, эса «сўнги-воқелик» дейилади.

«ИШ» - ишлаб чиқариш жараёни бўлиб, у вақт ва меҳнат ресурсларини талаб қилади. Иш тўрсимон графикда стрелкали, узлуксиз чизик ёрдамида кўрсатилади:

Қолип
ўрнатиш




Тўрсимон графикда ишларни бажарилиши ва қурилиш тартиби бўйича куйидагича номланади:



Ишларнинг - номи тўғри чизикнинг устига, давомийлиги, ишчилар ва сменалар сони чизик остига ёзилади. Ишлар олдинги ва кейинги «вокелик»ларнинг тартиб рақами билан шифрланади. Масалан: «7-8», «10-11» ва х. к.

«Боғлиқлик» (*ёки мавҳум иш*) - бажариладиган ишларнинг ўзаро ташкилий-технологик боғлиқлигини кўрсатади. У вақт ҳам, меҳнат ресурсларини ҳам талаб қилмайди. Боғлиқлик тўрсимон графикда узлуқли стрелкали чизик ёрдамида кўрсатилади.




«Кутиш» - меҳнат ресурсларини талаб қилмайдиган, фақат вақт талаб қиладиган жараён бўлиб, у тўрсимон графикда "иш" сингари стрелкали узлуқсиз чизик билан акс эттирилади. «Кутиш» мазмунан кетма-кет бажариладиган ишлар оралигидаги технология ёки ташкилий танаффусдан иборат.

"Йўл"-тўрсимон графикдаги услуксиз бажариладиган ишлар кетма-кетлигидан ташкил топади. Унинг узунлиги унга кирувчи ишлар давомийликларининг йиғиндисидан иборат бўлади. Бошланғич вокеликдан сўнгги вокеликкача бўлган йўл, *тўла йўл* деб аталади. Битта тўрсимон графикда тўла йўл бир нечта ҳам бўлиши мумкин. Тўла йўллар орасида энг катта давомийликка эга бўлгани "*критик йўл*" дейилади. Критик йўлнинг узунлиги қурилиш давомийлигини кўрсатади.


3. 2. Тўрсимон графикни тузиш қоидалари

Тўрсимон графикни имконият даражасида содда, тушунарли ва аниқ қилиб тузиш керак. Бунинг учун қуйидаги талаб ва қоидаларга риоя қилиш зарур:

1. Тўрсимон графикда стрелкалар чапдан-ўнгга йўналган бўлиши керак.
2. Тўрсимон график шаклан содда, кўпчилик ишлар горизонтал чизиклар билан кўрсатилиши, бунда иложи борича чизиклар ўзаро кесишмаслиги керак.
3. Ҳар хил ишлар бир хил код(шифр)га эга бўлмаслиги зарур, бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун параллел бажариладиган ишларни графикга туширишда қўшимча вокелик ва боғлиқликлар киритишга тўғри келади:





а) нотўғри тасвир



б) тўғри тасвир


4. Агар бирор ишни, бошқа иш қисман бажарилгандан сўнг бошлаш зарур бўлса, бу ишни алоҳида мустақил ишларга ажратиш керак:



а) нотўғри тасвир

б) тўғри тасвир

5. Ишларнинг ўзаро технологик ёки ташкилий боғлиқлигини кўрсатиш учун тўрсимон графика албатта "мавхум иш" (боғлиқлик) киритиш зарур:





6. Тўрсимон графикни тузишда курилиш потокларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, бунинг учун эса иш фронтларини захватқалар, яруслар ва бўлинмаларга бўлган ҳолда, ишларнинг ўзаро боғлиқлигини ва кетма-кетлигини тўғри аниқлаган ҳолда тўрсимон графикни тузиш керак.

7. Тўрсимон графикда айрим ишларни бириктириб умумлаштириш зарурияти туғилса, куйидаги коидаларга амал қилиш зарур:

- тўрсимон графикда фақат битта курилиш звеноси, ёки бригадаси томонидан бажариладиган ишларнигина бириктириш, умумлаштириш мумкин.


-агар ишлар гуруҳи битта бошланғич ва битта охириг воеликка эга бўлсагина бундай ишларни умумлаштириб битта иш кўринишида тасвирлаш мумкин.




а) умумлаштиришдан олдинги тасвир; б) умумлаштиришдан кейинги тасвир.

- умумлаштирилган тўрсимон графикка *янгидан (қўшимча) воелик* киритиш мумкин эмас; воеликларнинг тартиб рақами (коди) умумлаштирмасдан олдин қандай бўлса шундайлигича қолиши керак


8. Тўрсимон графикларда *боши берк иш (тупик)лар* яъни стрелка чиқмайдиган воеликлар бўлмаслиги керак (тўрсимон графикдаги сўнги воелик бундан мустасно):



9. Тўрсимон графикларда «ОРТИҚ»лар, яъни стрелка қирмайдиган воқеликлар бўлмаслиги керак (тўрсимон графикдаги бошланғич воқелик бундан мустасно):



10. Тўрсимон графикларда стрелкаларнинг орқага қайтишига, ёки ёпик контур ҳосил бўлишига йўл қўйилмайди:



а) ёпик контурли нотўғри тасвир б) тўғри тасвир

11. Воқеликлар тартиб рақамини қўйиш «чандан-ўнзга», «юқоридан-пастга» тартибда амалга оширилади.

3. 3. ТЎРСИМОН ГРАФИКНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ

Тўрсимон графикни тузиш учун аввало қурилиш-монтаж ишларини номлари ва ҳажми аниқланиб тўрсимон график тузиш жадвали тўлдирилади (1-жадвал). *Тўрсимон график тузиш жадвали*

Бу жадвалга мувофиқ ишларнинг технологик ва ташкилий кетма-кетлигини ҳисобга олган ҳолда қурилишнинг тўрсимон графигини тузишга киришилади. Уни вақт масштабида қуриш мақсадга мувофиқ ҳисобланади (1-жадвалга қаранг). Тўрсимон графикни остига ишчилар сонининг ўзгариш графигини чизишни ҳам унутмаслик керак.


Тўрсимон график бўйича қурилиш давомийлиги меъёридан охирига кетса, ёки ишчилар сонининг ўзгариш графигида текис ўзгариш қонуниятига қўпол равишда бузилса, тўрсимон графикка ўзгартиришлар киритиш, яъни уни *оптимизация* қилиш талаб қилинади.

Тўрсимон графикни тузишда 1. 2 даги талаб ва қоидаларга амал қилишни унутмаслик зарур.

3. 4. ТЎРСИМОН ГРАФИКЛАРНИ ҲИСОБЛАШ

Тўрсимон графикни тузилгандан сўнг, унинг тўғри тузилганига ишонч ҳосил қилинганда, ишларнинг *эрта* (*кеч*) бошланиши ва тугаши, ҳар бир ишнинг хусусий ва умумий вақт заҳиралари ҳамда тўрсимон графикдаги **критик йўл** белгиланади.

Тўрсимон графикни ҳисоблашда қуйидаги формула ва белгиларни асос қилиб олиш тавсия қилинади.



$i - j$ - кўрилаётган иш; $h - i$ - олдинги иш;
 $j - k$ - кейинги иш; t - иш давомийлиги, кун;
 n - сменадаги ишчилар сони, киши; m - сменалар сони;

$T_{i-j}^{эб}$ - кўрилаётган ишнинг эрта бошланиш вақти;

$T_{i-j}^{эТ}$ - кўрилаётган ишнинг эрта тугаш даври;

$T_{i-j}^{кб}$ - кўрилаётган ишнинг кеч бошланиш вақти;

$T_{i-j}^{кТ}$ - кўрилаётган ишнинг кеч тугаш даври;

R_{i-j} - кўрилаётган ишнинг умумий вақти заҳираси, кун;

r_{i-j} - кўрилаётган ишнинг хусусий вақт заҳираси.

Тўрсимон график параметрларини ҳисоблаш қуйидаги тартибда олиб борилади:

1. Ишнинг эрта бошланиш вақтини аниқлаш учун тўрсимон графикнинг бошланғич воқелигидан кўрилаётган ишнинг бошланиш воқелигигача бўлган энг узун йўл давомийлигини аниқлаш керак. Ёки *кўрилаётган ишнинг эрта бошланиш вақти олдинги ишларнинг энг катта эрта тугаш даврига тенг.*

$$T_{i-j}^{эб} = \max T_{i-j}^{кТ} \quad (1)$$

Тўрсимон графикнинг бошланғич воқелигидан бошланадиган барча ишлар учун

$$T_{i-j}^{эб} = 0 \quad \text{бўлади,}$$

Битта воқеликда бошланадиган барча ишларнинг эрта бошланиш вақти бир хил бўлади.

2. Ишнинг эрта тугаш даврини аниқлаш учун унинг эрта бошланишига шу ишнинг давомийлигини қўшниш керак:

$$T_{i-j}^{эТ} = T_{i-j}^{эб} + t_{i-j} \quad (2)$$

3. Ишнинг кеч тугаш даври кейинги ишларнинг энг кичик кеч бошланиш даврига тенг:

$$T_{i-j}^{kT} = \min T_{j-k}^{kб} \quad (3)$$

4. Ишнинг кеч бошланиш даври ишнинг кеч тугаш давридан унинг давомийлигини айрилганига тенг:

$$T_{i-j}^{кб} = T_{i-j}^{kT} - t_{i-j} \quad (4)$$

5. Ишнинг умумий вақт захираси унинг эрта ва кеч тугаши (ёки бошланиши) даврлари ўртасидаги айирма миқдорига тенг:

$$R = T_{i-j}^{kT} - T_{i-j}^{эT} = T_{i-j}^{кб} - T_{i-j}^{эб} \quad (5)$$

6. Ишнинг хусусий вақт захираси кейинги ишларнинг эрта бошланиш даврида кўрилатган ишнинг эрта тугаш даврини айрилганига тенг:

$$r_{i-j} = T_{i-k}^{эб} - T_{i-j}^{эT} \quad (6)$$

Хусусий ва умумий вақт захиралари "нол"га тенг бўлган ишлар кетма –кетлиги (бошангич воқеликдан-сўнгги воқеликкача) тўрсимон графикнинг *критик йўли*ни ташкил этади.


Тўрсимон графикнинг ва унинг параметрларини ҳисоблашнинг 3-хил усули мавжуд:

1. Бўлмалар (сектор) усули;
2. Потенциал усули;
3. Жадвал усули.

3. 5 ТЎРСИМОН ГРАФИКНИ БЎЛМА (СЕКТОР)ЛАР УСУЛИДА ҲИСОБЛАШ

Бўлмалар усули тўрсимон графикни ҳисоблашнинг энг қўлай усули ҳисобланади. Бунда ҳисоблашлар бевосита тўрсимон графикнинг ўзида амалга оширилади.

Тўрсимон графикни бўлмалар усулида ҳисоблаш учун ҳар бир воқелик 4та бўлмаларга бўлинади ва бу бўлмаларга қуйидаги белгилашларга мувофиқ унинг параметрлари ёзилади:



Ҳисоблаш ишлари қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1. Тўрсимон графикдаги барча вокеликлар бўлмаларга бўлиб чиқилгач, унинг юқори бўлмасига "*чандан-ўнгга*", "*юқоридан-пастга*" амал қилган холда уларнинг тартиб рақами ёзилади;

2. Бошланғич вокеликнинг чап бўлмасига "*0*" қўйилади. Сўнгра тўрсимон графикнинг бошидан бошлаб сўнги вокеликкача уларнинг чап бўлмаларига олдинги ишларнинг ҳисоблаб топилган *энг катта эрта тугаши даври* ёзилади. Сўнги вокеликнинг ўнг бўлмасига унинг чап бўлмасидаги қиймат кўчириб ёзилади. Чунки у ўз навбатида охириги ишнинг кеч тугаши бўлиб ҳисобланади;

3. Агар вокелик бир нечта олдинги ишларга тегишли бўлса, унинг *пастки бўлмасига* эрта тугаши энг катта бўлган *олдинги иш бошланғич вокелигининг тартиб рақами* қўйилади;

4. Вокеликнинг ўнг бўлмаси тўрсимон график охиридан бош вокеликка томон тартиб билан тўлдириб борилади. Унинг қиймати шу вокеликдан бошланадиган кейинги ишларнинг энг кичик кеч бошланишига тенг бўлади;

5. Ишларнинг вақт бўйича захиралари (5) ва (6) формулалар ёрдамида ҳисоблаб топилиб тегишли ишларнинг остига ёзиб қўйилади;

6. Тўрсимон графикда вақт бўйича умумий ва хусусий вақт захираларига эга бўлмаган, яъни уларнинг қиймати "*0*" га тенг бўлган ишлар аниқланиб, улар орқали ўтувчи критик йўл белгиланади. Критик йўлнинг узунлиги қурилиш давомийлигини кўрсатади.

3. 6. ТЎРСИМОН ГРАФИКИИ ПОТЕНЦИАЛЛАР УСУЛИДА ҲИСОБЛАШ

Бу усулда ҳам ҳисоблар бевосита тўрсимон графикнинг ўзида олиб борилади. У қуйидаги тартибда бажарлади:

1. Ҳар бир вокеликнинг ёнига "*X*" га ўхшаш белги қўйиб чиқилади;

2. "*X*" белгисининг чап бўлмасига кейинги ишларнинг эрта бошланиши ёзилади. Ҳисоблар бош вокеликдан сўнги вокеликка қараб олиб борилади;

3. Пастки бўлмага давомийлиги энг катта бўлган ишнинг бошланғич вокелигининг тартиб рақами ёзилади;

4. Ўнг бўлмага қўрилаётган вокеликнинг потенциали ҳисоблаб ёзилади. *Вокеликнинг потенциали* деганда, шу вокеликдан сўнги вокеликкача бўлган энг катта қурилиш давомийлиги тушунилади. Сўнги (*икунловчи*) вокеликнинг потенциали "*0*" га тенг бўлади;

5. *Юқоридаги бўлмага энг катта (ўзоқ) қурилиш давомийлиги* ўтадиган кейинги вокеликнинг тартиб рақами ёзилади. Ундаги ва юқориги бўлмаларни тўлдириш тўрсимон график охиридан бошланишига (орқага қараб) ҳисобланади.

3. 7. ТЎРСИМОН ГРАФИКНИ ЖАДВАЛ УСУЛИДА ҲИСОБЛАШ


Тўрсимон графикни бу усулда ҳисоблаш қуйидаги жадвални тўлдириш орқали амалга оширилади.

ТЎРСИМОН ГРАФИКНИ ҲИСОБЛАШ ЖАДВАЛИ


Олдинги ишнинг шифри	Қўрилаётган ишнинг шифри	Иш давомийлиги, кун	Ишнинг эрта		Ишнинг кеч		Ишнинг вақт бўйича захиралари		Критик йўлдаги ишлар
			Бошланиши	Тугаши	Бошланиши	Тугаши	Умумий, Р.	Хусусий, г.	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Қуйида тўрсимон графикни юқорида берилган усулларнинг ҳар бири билан ечишни кўрсатимиз.

Масала: Ушбу тўрсимон график бўлмалар, потенциаллар ва жадвал усуларида ҳисоблансин. Ечиш:



- а) Потенциал усулида ҳисоблаш;
- б) Бўлмалар усулида ҳисоблаш;



3. 8. ТАРМОҚЛИ ГРАФИКНИ КОМПЬЮТЕРЛАР ЁРДАМИДА ҲИСОБЛАШ

Тўрсимон гафикларни ҳисоблашда энг кўлай ва содда усул, бўлмалар усули ҳисобланади. Жадвал усулида ҳисоблаш нисбатан қийинроқ бўлиб, у кўп вақт талаб қилиш билан биргалликда ҳисоблашлар пайтида чалкашиб кетиш ва ноаниқликларга йўл қўйиш эҳтимоллигини оширади. Шунинг учун тўрсимон графикни жадвал усулида ҳисоблашда компьютердан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тўрсимон графикларни жадвал усулида компьютер ёрдамида ҳисоблаш дастури ишланган бўлиб, у ҳар қандай модел (кўриниш)га, чекланган воқелик ва ишлар сонига эга бўлган тўрсимон графикларни қисқа фурсатда ечиш, ҳамда унинг ҳисоблаб топиладиган параметрларини аниқлаш имконини беради. Бу айниқса курс ва диплом лойиҳаларини бажаришда талабаларга қўл келади, уларнинг қимматли вақтини тежайди.

Тўрсимон графикни компьютерда ҳисоблаш учун юқорида келтирилган ҳисоблаш жадвалнинг 1, 2 ва 3 -градаларини тўрсимон графикка мувофиқ тўлдириш кифоя. Сўнг бу маълумотлар компьютерларга киритилади ва ҳисоблаш натижалари тайёр жадвал кўринишида олинади.

в) жадвал усулида ҳисоблаш:

Олдинги ишнинг шифри	Қўрилувг ган ишнинг шифри	Иш динномийлиги н, кун	Ишнинг эрта		Ишнинг кеч		Ишнинг вақт бўйича захиралари		Критик йўлдаги ишлар
			Бошлани ши	Туғаш и	Бошлани ши	Туға ши	Умумий К.	Хусусий, г.	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
	1-2	7	0	7	4	11	4	0	
	1-3	8	0	8	0	8	0	0	+
	1-5	5	0	5	25	30	25	7	
	2-4	0	7	7	34	34	27	11	
	2-7	9	7	16	11	20	4	0	
	3-4	10	8	18	24	34	16	0	
	3-6	5	8	13	8	13	0	0	+
	3-5	4	8	12	26	30	18	0	
	4-9	3	18	21	34	37	16	0	
	5-10	8	12	20	30	38	18	0	
	6-8	3	13	16	13	16	0	0	+
	7-12	17	16	33	20	37	4	0	
	8-11	24	16	40	16	40	0	0	+
	9-11	0	21	21	40	40	19	19	
	9-12	0	21	21	37	37	16	12	
	10-13	5	20	25	38	43	18	18	
	11-13	3	40	43	40	43	0	0	+
	12-13	5	33	39	37	43	4	4	
	13		43						

3. 9. ОБЪЕКТ ҚУРИЛИШИДА ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ УЧУН ҚУРИЛИШ ИШЧИЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБНИ АНИҚЛАШ

Қурилиш ишчиларига бўлган талаб рўйхати 3-жадвал

№ т-р	Ишчиларнинг касби номи	Барча малакали ишчиларга бўлган Умумий талаб, одам-кун
1.	Бульдозер машинисти	0, 89
2.	Эжековатор машинисти	7, 75
Ва. х. к. п	Бошқа касб эгалари	252, 65

3. 10. ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ УЧУН МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАРНИНГ. ОБЪЕКТДА ИШ КУНИНИ АНИҚЛАШ

Тўрсимон гарфикнинг ёки календар режа тузилганда сўнг, қурилиш машиналари ва кичик механизация воситаларига бўлган талаб, уларни бино қурилишида ишлаш графиги тузилади (5-жадвал).

қурилиш машиналари ва кичик механизация воситаларига бўлган талаб, уларни бино қурилишида ишлаш графиги жадвали

5-жадвал



№ т-р	Машина ва механизмларнинг тури ва маркази	Сони дона	Механизмнинг қуввати(эл. мтр. учун квт. Бошқа двигателлар учун ОТ кучи).	қурилиш майдонида қатнашиш муддати, даври	
				Иш бошланиш куни	Ишнинг тугатиш куни.
1	2	3	4	5	6
1.	Бульдозер	1	80	22. 03.	29. 03.
2.	Эксковатор	1	150	30. 03.	12. 04.
...					
Ва. х. к. п					

3. 11. АСОСИЙ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ТУЗИЛМАЛАРИ, ВА ЯРИМ ТАЙЁР МАХСУЛОТЛАРГА БЎЛГАН ЭХТИЁЖНИ ХИСОБЛАШ

Асосий қурилиш материаллари, тузилмалари ва ярим тайёр махсулотларга бўлган эхтиёж қурилиш- монтаж ишлари ҳажмига мувофиқ мавжуд "қурилиш меъёрлари ва қоидалари"(СНиП) дан олинади 5 ва 6-жадвал кўринишида ҳисобланади.

Йиғма элементлар қайдномаси

5-жадвал

№ т-р	Элементлар номи	Каталогдан олинган эскиз, серияси	Битта элемент ҳажми, м3	Битта элемент оғирли-ги, т	Умумий сони, дона	Элементларнинг умумий ҳажми, М3
1	Ора ёпма плита	 <p>ПК6-59. 10-С7 Lк5860мм. Вк990мм ПК6-59. 12-С7 Lк5860мм. Вк1190мм</p>	0, 60 0, 83	1, 72 2, 07	16 144	9, 6 119, 52
2	Дераза блоклари	 <p>ОС18-18В Ак1760мм Вк1760мм Ск3, 12 м2 Рк7, 06 м</p>	-	-	47	Ск146, 41 м2 Рк331, 82 м
п					

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ТУЗИЛМАЛАРИ ВА ЯРИМ ТАЙЁР
МАХСУЛОТЛАРГА БЎЛГАН ЭХТИЁЖНИ АНИҚЛАШ ҚАЙДНОМАСИ

6-жадвал

№ т-р	Ишларнинг номи	Ишнинг ҳажми		қурилиш материаллари, тузилмалар ва ярим махсулотлар номи	Ўлчов бирлиги	Бир-бирлик ишни ҳажми учун ажратилган меъёр	Умумий соми	Асос, манба, меъёр номага илова
		Ўлчов бирлиги	Мик дори					
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	Пой девор.	м ³	109, 12	Фунд. Блок ФС-12 ФС-0, 9 ва х. к.	до на	0, 6	109	1-жадвалдан олинади
							
n	Бардоқлан	м ³	343, 2	Ойна	М ²	1, 15	343, 2	

3. 12. АСОСИЙ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ ҚУРИЛИШ
МАЙДОНИДА САҚЛАНИШИ ҲАЖМИ АНИҚЛАНАДИ

Асосий қурилиш материаллари, тузилмалари ва ярим тайёр махсулотлар қайдномага асосан, объектга олиб келинадиган ва қурилиш майдонига тахланадиган материаллар, тузилмаларининг умумий миқдори жамланиб 7-жадвалга киритилади:

Қурилиш майдонига келтирилиши лозим бўлган
асосий материаллар ва тузилмалар захираси қайдномаси

7-жадвал

№ т-р	Материалларнинг ва тузилмаларнинг номи	Ўлчов бирлиги	қурилиш майдонига келтириладиган материаллар ва тузилмалар сони
1	2	3	4
1.	Фунд. Блок ФС-12 ФС-0, 9 Ва х. к.	до на	56
2.		
3.			

Фойдаланилган адабиётлар

1. Швиденко Б.И. Монтаж строительных конструкций. М., ВШ., 1987.
2. Спектор М.О. Выбор оптимальных вариантов организации и технологии строительства М., СИ., 1990.
3. Дикман Л.Г. Организация планирования и управление строительством. М., ВШ., 1998.
4. Швейбер А.Н. Организация планирования и управление строительством. М., ВШ., 1987
5. ЕНиР на строительные, монтажные и ремонтно-строительные работы. Сб. Е4. Монтаж сборных и устройство монолитных железобетонных конструкций. Вып.1. Здания и промышленные сооружения.-М.: Стройиздат, 1987- 67 с.
6. ЕНиР. Сборник. № 1. Внутрипостроечные транспортные работы.-М.: Прейскурантиздат, 1987.- 40 с.
7. Каграманов Р.А., Мачабели Ш.Л. Монтаж конструкций сборных многоэтажных гражданских и промышленных зданий.-М.: Стройиздат, 1987- 414 с.(Справочник строителя).
8. Хамзин С.К., Карасев А.К. Технология строительного производства. Курсовое и дипломное проектирование. М.: Высш. шк.,1989.
9. ЕНиР, Сборник Е2. Земляные работы. Выпуск 1. Механизированные и ручные земляные работы. Выпуск 1. Механизированные и ручные земляные работы.-М.: Стройиздат, 1989. -224 с.
10. Справочник мастера-строителя. Под. ред. Д.В.Коросеева.-М.: Стройиздат, 1989.
11. В.А.Неелов. Курильш-монтаж ишлари. Тошкент. Укигувчи, 1989.-256 с.
12. Галькин И.Г., Организация планирования и управление строительством.М., ВШ., 1987
13. Шахпаранов В.В. Справочник строителя. Организация строительного производства. М., Стройиздат.1987.
14. Ганиев К.Б. планирование строительства реконструируемых пром, и предприятий, Ташкент 1987
15. Казановский Ю. Н. Опыт организации управления строительными фирмами США.
16. Бульгаков С. Н. Организация инженерной подготовки строителя. М.,1985
17. Шахпаранов В.В. Организация строительства. Л., Стройиздат. 1990
18. Дикман Л.Г. Организация жилищно-гражданского строительства. Справочник строителя.,М., 1990
19. Афанасьев В.А. Поточная организация строительства. Л., СИ., 1990-303с.
20. Разработка проектов организации строительства и проектов производства работ для промышленного строительства. Справочное пособие к СНиП, ЦНИИОМТП, М., СИ., 1990-283 с
21. Сухачев И.А. Организация и планирования строительного производства. Управление строительной организацией. 3-е изд-е. М., СИ., 1989-752с